



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 2 июнь, № 110 (4773)

Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОСОЙИШТАЛИГИНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ ЧОҒИДА ФИДОЙИЛИК ВА МАРДЛИК НАМУНАСИНИ КўРСАТГАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Республикаимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган фидойилиги, мардлиги ҳамда шахсий таркиб ўртасида жанговар, сиёсий тайёргарликни оширишда эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали "Шон-шараф" ордени билан

Нурбаев Ўткирбек Юлдашалиевич — Андижон вилояти Хонобод шаҳар ИИБ Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш гуруҳи профилактика инспектори

Холмирзаев Бахтиёр Авазбекович (марҳум) — Андижон вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Алоҳида йўл-патруль хизмати отряди катта инспектори

"Жасорат" медали билан

Маматқулов Исмоилжон Қобулович — Андижон вилояти Хонобод шаҳар ИИБ Таъминлаш бўлимидаги старшинаси

Юлдашев Абдукарим Эргашевич — Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани ИИБ ҳузуридаги туманлараро Кўриқлаш бўлимидаги милиционер

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 1 июнь

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA

Жаноби Олийлар!
Ўзбекистон Республикасига ташрифим давомида Сиз ва Ўзбекистон халқи томонидан кўрсатилган иззат-икром ва сармий қабул учун чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз. Бутун ташрифим асосида, аэропортдан Самарқанд шаҳригача, мен билан бирга бўлиш имконини топганингиз мени гоят қувонтирди ва уни ҳеч қачон унутмайман. Айниқса, ислом маданиятининг улугвор ва бетакор тарихий ёдгорликлари, Амир Темур салтанати руҳини мужассам этган Регистон майдони ва Гури Амир мақбараси ҳақида шахсан ўзингиз сўзлаб берганингиз менда ўчмас таассурот қолдирди.

Сизнинг Ўзбекистонни ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш борасидаги фикр ва режаларингиз, айни пайтда Сиз, Жаноби Олийларнинг Марказий Осиё атрофидаги халқаро вазият, ислом олами мамлакатларининг тарихи ва маданияти ҳақидаги теран билим ва қарашларингиз Сизга бўлган ҳурмат-эҳтиромимни янада оширди ва мени гоят ҳаяжонга солди.

Сиз билан бўлиб ўтган учрашув Корея ва Ўзбекистон бир-бирига ҳақиқатан ҳам керак бўлган ва тараққий этиш учун мунтазам ҳамкорлик йўлидан доимо биргаликда борадиган шериклар эканлиги ишончимни янада мустаҳкамлаш имконини берди. Музокаралимизда муҳокама қилинган энг асосий қўшама лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун келгусида ҳам Сиз билан яқин ҳамкорликни давом эттиришимизга мен астойдил ишонаман.

Самимий меҳмондорчилик учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Сиз, Жаноби Олийлар, ўзингиз учун қўлай вақтда Корея Республикасига ташриф буюрасиз, деб умид қиламан.

Сизга мустаҳкам сihat-саломатлик, Ўзбекистон Республикасининг эса доимо гуллаб-яшнашини тилайман.

Ли Мён БАК,
Корея Республикаси Президенти

"Умид ниҳоллари — 2009":

ХАЙР, СИРДАРЁ, КЎРИШГУНЧА, НАВОИЙ!

Гулистон шаҳрида уч кун давом этган ёшлик, камолот ва гўзаллик байрами — мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинлари иштирокчиларга олам-олам қувонч ва улкан таассуротларни тўхфа этди.



Президентимизнинг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригида таъкидланганидек, "Бугун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган, жаҳон жамоатчилиги эътироф этаётган савий-ҳаракатларимиз, шу борада замонавий моддий-техник базани барпо этаётганимиз, авваламбор, униб-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимиз учун, сизнинг қобилият ва салоҳиятингизни рўёбга чиқариш учун амалга оширилмоқда.

Кейинги беш йил мобайнида юртимизда Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида 130 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 900 дан ортиқ спорт иншооти қуриб битказилгани ва юксак талаблар асосида жиҳозлангани бунга яққол мисол бўла олади".

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг ҳар бир гушасида қад ростлаган, ростлаётган мухташам спорт иншоотлари борки, улар барчамизга чексиз фахру ифтихор бахш этади. Энг муҳими, бундай иншоотлар маҳаллаларда, юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам қурилиб, фойдаланишга топшириляпти. Мусобақалар муносабати билан Гулистон шаҳрида қад ростлаган янги спорт мажмуалари,



ёпиқ сузиш ҳавзаси, тубдан реконструкция қилинган спорт заллари, ўқув биноларини кўрган борки, бунёдкор халқимизга тасанно айтади.

Буларнинг замирида миллат са-

ломатлигини мустаҳкамлашдек эзгу гоя мужассам. Шунинг учун бўлса керак, спорт ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айлиниб бораётир. Асосийси, навбатдаги мусобақа ҳам Президентимиз ташаббуси билан

нинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётир. Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг қизиқиши кундан-кунга ортаётган ушбу спорт ўйинларининг

(Давоми 4-бетда).

ИВ ЛЕТЕРМ:

БЕЛЬГИЯ ЎЗБЕКISTON БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бельгия Қироллиги сенатори, "Бельгия — Ўзбекистон" парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раиси Ив Летерм 1 июнь кунини оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

— Бельгия Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди, — деди И. Летерм. — Мамлакатингизга ташриф асосида барча соҳада амалга ошириляётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдим. Хусусан, юртингизда қонун ижодкорлари учун яратилган шароитдан

ҳайратландим. Бу борада ўрнатилган аризулик жиҳатлар кўп. Тошкентда 22 май кунини Президент Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби бўйича халқаро илмий-

амалий конференция бўлиб ўтгани ва унда дунёнинг турли мамлакатларидан юзлаб давлат ва жамоат арбоблари, бизнес вакиллари ҳамда дипломатлар, олимлар ва экспертлар иштирок этганидан хабарим бор. Мазкур анжуман Ўзбекистоннинг юксак иқтисодий салоҳиятидан далолатдир. Дунё-

даги кўплаб мамлакатлар иқтисодий ҳаётининг жиддий зарар кўрсатаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистоннинг босқичма-босқич тараққий этиши нечоғли тўғри экани яна бир бор намойён бўлди. Ислам Каримов асарини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ушбу асар иқтисодий мураккаб ҳолатдан олиб чиқиш йўлида кўплаб мамлакатлар учун муҳим қўланма бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўзбекистон — табиий ре-

сурсларга бой ва улкан интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат. Бельгия Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Юртингизда хорижий сармоядорларнинг муваффақиятли иш юритиши учун қўлай шароит яратилган. Бу бельгиялик ишбилармонларнинг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқишини тобора кучайтирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

ФАРЗАНДАРИМИЗ ҚУВОНЧИ

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг тафаккурини кенгайтириш, маънавиятини юксалтириш, қалби ва онига юртпарварлик, фидойилик, Ватан тақдирини унутмаслик ҳиссини чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, "Sen Yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамоатчаси ҳамда Халқ таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ижтимоий кўмакка муҳтож ҳамда боқувчисини йўқотган ўғил-қизлар ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди. Танқили санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури, саховатли хомийларнинг совғалари болаларга шодлик бахш этди. Шунингдек, байрам дастури доирасида "Сиз қонунни биласизми?", "Она шахрим — Тошкентим" мавзуларидаги викторина, спорт мусобақаси ҳамда иқтидорли болалар чизган расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Д. СОДИҚОВ.

Мамлакат бўйлаб

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Жанубий Кореянинг "Кореян Эйр" авиакомпаниясининг келишувига биноан, 27 май кунини Навоий халқаро аэропортидан Ҳиндистон пойтахти Дехли шаҳрига биринчи юк ташувчи "А-300" русумли самолёт парвози амалга оширилди.

Навоий аэропортидан янги йўналиш

Эндиликда Навоий халқаро аэропортидан "Навоий — Дехли — Навоий", "Навоий — Бангкок — Навоий", "Навоий — Мумбай — Навоий" йўналишларининг ҳар бирига ҳафтада 3 маротабадан рейслар амалга ошириляпти.

Шу вақтгача ҳафтада 3 рейсдан амалга оширилиб келинган "Сеул — Навоий — Милан" ва "Милан — Навоий — Сеул" йўналишида самолётлар қатнови 6 тага етказилди. Бундан ташқари, ҳафтада 6 маротабадан "Сеул — Навоий — Брюссель", "Брюссель — Навоий — Сеул" йўналишида "Боинг 747" самолётларида юклар ташуви бўйича янги рейслар очилди.

Шунингдек, жорий ойдан бошлаб ҳафтасига икки маротаба "Навоий — Москва — Навоий" йўналишида ҳам юк ташуви йўлга қўйилди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан "Фарғона нон" акциядорлик жамиятида уюштирилган тадбир тантанасига айланган кетди.

Мурувват тадбири

Жамият ташаббуси билан Фарғона, Марғилон шаҳарлари ҳамда Фарғонадаги Мурувват уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 80 нафар болага дастурхон ёзилиб, суннат тўйи ўтказилди.

Жамият томонидан тўйболаларнинг ҳар бири номига 100 минг сўмдан — жами 8 миллион сўмлик омонат дафтарақчалари очилиб, тантанасида тақдим этилди.

Шу кунини акциядорлик жамиятида энг сўнгги технологиялар асосида жиҳозланган миникорхонани фойдаланишга топшириш маросими ҳам бўлди. Эндиликда бу ерда 17 турдаги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

Н. СОБИРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Китоблар тўхфа этилди

Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот-ресурс марказида "Мактаб — кутубхона — оила — жамоат ташкилотлари" хайрия тадбири ўтказилди. Эътиборлиси, шу кунгача ўтказилган мазкур тадбирлар давомида хомийлар ва ота-оналардан мактаб кутубхоналарига 14 миллион сўмликдан зиёд миқдорда 10591 нусхадаги дарсликлар, илмий-оммабоп ва бадий китоблар совға сифатида топширилди.

А. ҲИДОЯТОВ.

Алоқа хизмати яхшиланмоқда

Ҳозирда алоқачилар ўз миқозларига алоқанинг 32 та қўшимча тури бўйича хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Бултур Урганч шаҳри, Урганч, Хонка, Янгибозор, Янгиарик, Ботот туманларида ҳамда чекка Питнак шаҳарчасида жами 7 та янги автомат телефон станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Жорий йилда бу йиллар кўлами янада кенгайди. Вилоятдаги 21 та қишлоқда янги телефон станцияси қуриш, ўрнатиш режалаштирилмоқда.

О. РАҲИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

2009 йилнинг биринчи чораги давомида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларига "Кимощди" савдолари орқали 6146 бош зотдор қорамол сотилди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, чорвачилик озука базасини мустаҳкамлашга доир чоратадбирлар дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида тармоқни ривожлантиришда шундай ижобий силжиш кайд этилди.

К. НАЖМИДИНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Германиядан таклиф қилинган мутахассислар "Наманган қозғон" масъулияти чекланган жамиятидаги технологик линияни техник жиҳатдан қайта соzлаш ишларини бошлаб юбордилар.

Тадбир ниятига етказилган, бу ерда олий сифатли қозғон тайёрлаш йўлга қўйилди.

Корхона бундан бир неча йил аввал банкротликка учраб, фаолияти тўхтаб қолган "Намбум" қўшама корхонаси негизида иш бошлади. Таъсисчи — "Узмилибанк" бую тур-

ган технологик линияни қайта ишга тушириш учун 1,5 миллиард сўм маблағ ажратди. Бундан ташқари, асосий хом ашё — целлюлоза келтириш учун Россиядаги ҳамкорлар билан узоқ муддатли шартнома имзоланди. Лойиҳага қўра, дастлабки маҳсулотлар тез орада буюртмачилар-

га етказилди. Қувватлар ҳаракатга келтирилиши билан бу ерда 90 киши иш билан таъминланади ва йилга 8000 тонна юқори сифатли қозғон тайёрланади.

К. НАЖМИДИНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Наманганда қоғоз чиқади

Тадбир ниятига етказилган, бу ерда олий сифатли қоғоз тайёрлаш йўлга қўйилди.

Корхона бундан бир неча йил аввал банкротликка учраб, фаолияти тўхтаб қолган "Намбум" қўшама корхонаси негизида иш бошлади. Таъсисчи — "Узмилибанк" бую тур-

ган технологик линияни қайта ишга тушириш учун 1,5 миллиард сўм маблағ ажратди. Бундан ташқари, асосий хом ашё — целлюлоза келтириш учун Россиядаги ҳамкорлар билан узоқ муддатли шартнома имзоланди. Лойиҳага қўра, дастлабки маҳсулотлар тез орада буюртмачилар-

га етказилди. Қувватлар ҳаракатга келтирилиши билан бу ерда 90 киши иш билан таъминланади ва йилга 8000 тонна юқори сифатли қоғоз тайёрланади.

К. НАЖМИДИНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида «Титаник»нинг сўнгги йўловчиси

1912 йилда ҳалокатга учраган «Титаник» кемасининг омон қолган йўловчиси, Буюк британиялик Миллвина Дин хоним 98 ёшида вафот этди.

Бу ҳақда «BBC News» хабар тарқатди. «Титаник» уммонга чўккан вақтда унинг бортидаги 2200 кишидан 1500 нафари ҳалок бўлганди. Улар орасида Миллвинанинг отаси ҳам бор эди.

Миллвина хоним ушбу муҳажир воқеа ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборганини кўп бор таъкидлаб ўтган. Уша фожиа юз бермас, у Буюк Британияда эмас, балки АҚШда вояга етиши мумкинлигини доимо армон билан хотирлаб келган.

Англиянинг Хампшир графлигида истиқомат қилган қария умрининг сўнгги йилларида иқтисодий жиҳатдан анча қийналиб яшаган. Актёрлар Леонардо ди Каприо ва Кейт Уинслет коммунал тўловларни тўлолмайд қолгани учун унга ҳатто 30 минг АҚШ доллари миқдорида ёрдам ҳам кўрсатишган.

Стадиондаги «топилма»

Германиянинг Штутгарт шаҳридаги «Mercedes-Benz-Arena» стадионида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари вақтида Иккинчи жаҳон уруши йилларида фойдаланилган бомбалардан 18 таси топилган.

«Bild» нашрида ёзилишича, улар мутахассислар ёрдамида бошқа жойга кўчирилган ва зудлик билан зарарсизлан-тирилган.

«Mercedes-Benz-Arena» да таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Режага кўра, стадион хозиргидан-да маҳобатли кўринишга эга бўлади ва муҳлислар ўриндиғи яна уч мингтага кўпаяди.

Музликлар қаъридаги бойлик

Олимлар Арктика музликларидан топилган нефть ва табиий газ захиралари ҳажмини аниқлашди.

«Science» журналида чоп этилган мақолада ёзилишича, музликлар қаърида дунё «қора олтин» захирасининг 15, табиий газ захирасининг эса 30 фоизи мавжуд. Аслида, бу минтақада нефть ва табиий газ манбалари борлиги анча олдин маълум бўлганди. Аммо шу пайтгача унинг миқдори ҳақида бир тўхтама келинмаётганди. Янги тадқиқот муаллифлари бу ҳулоса яқуний эмаслигини ва изланишлар давом эттирилишини билдиришган.

Беш йил мобайнида олиб борилган изланишларга қараганда, Арктика музликларининг АҚШ, Россия, Дания, Норвегия, Исландия ва Канада давлатларига тугаш ҳудудларида ана шу табиий бойликлар миқдори нисбатан кўпроқлиги маълум бўлган.

Хавфсизлик чоралари кўрилди

Эронда ички йўналишларда парвоз қилувчи самолёт бортига ўрнатил кетилган портловчи қурилма зарарсизлантирилди, дея хабар тарқатди «France Presse» ахборот агентлиги.

Маълумотларга кўра, «Kish Air» авиакомпанияси-га тегишли бўлган мазкур лайнерда портловчи қурилма борлиги аниқланган, у зудлик билан кўндирилган ва фалокатнинг олди олинган. Самолёт бортидаги 131 нафар йўловчиға ҳеч қандай зиён етмаган.

Воқеа юзасидан текшириш ишлари бошлаб юборилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

КРЕДИТОРЛАР ДИҚКАТИГА!

БАНКРОТ ҚОРХОНА — «ОҚ САРОЙ ТЎҚИМАЧИ ЛТД» ҚЎШМА ҚОРХОНАСИ,

СТИР: 202066583, ҳуқуқий манзили: Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 44-уй.

Қашқадарё вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 27 майдаги 18-0702/1104-сонли ажрим ишига асосан, Шахрисабз тумани «Оқ сарой тўқимачи ЛТД» қўшма қорхонасига нисбатан тугатишга доир иш юритиш таомили тугатилди.

Маълумот учун телефон: (8-375) 522-87-35. Факс: (8-375) 522-81-85.

Олд гилдиракларнинг дискли ТОРМОЗЛАРИ КОЛОДКАЛАРИ

- Tico (6790 сўм)
• Damas (6790 сўм)
• Matiz (7950 сўм)
• Nexia (7300 сўм)
• Lacetti (8660 сўм)
• ЛАДА 2101-07(6900 сўм)
• Волга (9900 сўм)
• ГАЗель (9900 сўм)
• Москвич 412 (7500 сўм)

Барабанли тормоз накладкалари КАМАЗ, МАЗ-500: тўлов — келишилган нарҳда.

Тормоз колодкаларини тайёрлаб беришга буюртмалар қабул қиламиз.

ПАРОНИТЛАР ва «ВАТИ» ОАЖ, РФ САЛЬНИКЛИ НАБИВКАЛАРНИ тўғридан-тўғри етказиб берамиз.

Минтақалардаги дистрибуторларни ҳамкорлик қилишга қақирамиз.

Тел.: 215-88-13, факс: 215-86-81, моб.: 718-82-80.

«ЎзСаламан» — нафақат Фарғона вилоятида, балки мамлакатимизда ташкил этилган қалдирғоч қўшма қорхоналардан бири. Бу жамоа республикамиз энгил саноат тизимида ўзига хос мавқени эгаллаб, юртимиз номини хорижий давлатларга ҳам таратди.

«ЎЗСАЛАМАН» БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўтган асрнинг охири-ларида Афғонистон, Болтиқ-бўйи мамлакатлари, Тожикистон, Қирғизистон ва Россияда қўшма қорхона-нинг «Савдо уйи» самарали фаолият кўрсатганлиги, бугунги кунда ҳам ана шу йилларнинг пештоқиди «ЎзСаламан» савдо белгиси ярақлаб тургани шундан далолат беради.

Афсуски, янги асрнинг бошларига келиб, унинг фаолияти орқага кета бошлади. Айниқса, банклар томонидан олинган кредитларнинг ўз вақтида узилмагани қарз миқдорини кўпайтириб юборди. Бу билан қўшма қорхона бозор иқтисодиёти шароити талаблари асосида ишлашга тўла тайёр эмаслиги аён бўлди.

Узоқ йиллар мобайнида маҳсулот турларининг янгиланмаганилиги, бу борада изланишлар олиб борилмагани ҳам қоқоқликка ўз таъсирини кўрсатди. Ана шу кезларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўшма қорхонани соғломлаштириш, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш юзасидан маҳ-

сус дастур ишлаб чиқилгани муҳим аҳамият касб этди. Бу дастурга кўра, биринчи навбатда, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида Англиянинг «Атлантик» инвестиция компанияси томонидан ажратилган кредитлар маълум бир муддатга музлатилди. Айни шу тадбир қорхонани иқтисодий соғломлаштиришда кўл келди.

Бундан ташқари, илгари хом ашё — чарм, асосан, Германиядан келтирилган бўлса, энди уни Қўқон шаҳридаги қорхоналардан олишга эришилди. Натига-да қорхона секин-аста оёққа тура бошлади. 2008 йилда эса топшириқ 108 фоиз бажарилди, буюртмачиларга 214 минг жуфт пойабзал етказиб берилди. Олинган фойда ҳисобига қисқа муддат ичида «Капиталбанк», «Миллийбанк», «Ипотекабанк» дан олинган узоқ муддатли кредитлар узилди. Ишчиларга иш ҳақи тўлиқ тўланди.

Қувонарлики, қорхона иқтисодий бўҳрон ёқасидан чиққанидан сўнг миқозлар билан алоқалар яна тик-

Ислохот

Хозиргача 2 миллиард сўмлик маҳсулотга буюртма олингани, биригина республика Ички ишлар вазирлиги салкам 120 миллион сўмлик ботинка ва этиклар учун буюртма берганлиги, айниқса, жамоага ишонч органилигини яққол кўрсатиб турибди.

Жорий йилда замонавий, энгил ва ихчам, маҳаллий шароитга мос юз

Дарҳақиқат, бугун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз натижасида қорхоналар қийин аҳволга тушиб қолган бир пайтда «ЎзСаламан» ривожланиш йўлига дадил чиқиб олди. Бу аслида республикамиз ҳўкумати томонидан ишлаб чиқилган соғломлаштириш ва инқирозга қарши кураш дастурларининг шарофатидир.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

Агар сиз сотиб олган маҳсулотингизга харид чеки бермаган, сифат сертификатлари ёки маҳсулотнинг яроқлилик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмади туриб, савдо фаолияти юритаётган ёҳуд бошқа ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, бу борада Давлат солиқ қўмитаси ҳамда ҳудудий солиқ идораларининг қуйидаги «ишонч телефонлари»га хабар беринг:

Table with 3 columns: Region, Phone Number 1, Phone Number 2. Includes regions like Qoraqalpogiston, Andijon, Bukhoro, etc.

Бу билан сиз жамият олдида ўз фуқаролик бурчингизни адо этган ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф қилишга ҳисса қўшган бўласиз.

Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати.

Завод ТТМЗ изготавливает и реализует: КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность — 8 т
• максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
• максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

АВТОКРАНЫ:

- КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш режалаштирилган. Тайёр маҳсулотлар эса қўшма қорхонанинг Фарғона водийси, Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятидаги фирма дўконларида сотилмоқда.

Эътиборли жиҳати, «ЎзСаламан» пойабзаллари нафақат чидамлилиги, балки арзонлиги билан ҳам хориж маҳсулотларидан ажралиб туради.

Бу сўнгги йилларда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, таннархни арзонлаштириш, энергия ресурслари, газ, сув ва бошқа манбалардан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасидир, албатта.

Қорхона маъмурияти германиялик пойабзалчилар билан алоқани янада мустақамлаш баробарида, дунёдаги машҳур турдош қорхоналар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, ўтган йили Туркиянинг «Кимтекс» фирмаси билан пойабзалларга чирой ва кўрк бағишлайдиган хом ашё етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланган эди.

Туркиялик ҳамкорлар ушбу маблағни банк кафолати бўйича узоқ муддатли кредит ҳисобидан беришяпти.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Халқ хизматидаги фермер

Бундан икки йил муқаддам «Ташаббус» кўрик-танловининг яқуний босқичида Галиб бўйбо, Президентимиз соврини — «Матиз» автомашинаси билан тақдирланган «Тайимбет» фермер ҳўжалиги раҳбари Сатқандон Сейтназаров аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қўллаб-қўйиш ишларини амалга оширмоқда.


Яқинда у Тахтакўпир туманидаги «Ота кўл» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида қаровсиз ётган бинони таъмирлаб, замонавий мебеллар билан жиҳозлади. Хозир бу ерда меҳмонхона, новвойхона, 200 ўринли тўйхона, тикувчилик ва ав-

«Semillas Fito» фирмасининг Ўзбекистондаги вакили Испаниядан кеатириган серҳосил МАККАЖЎХОРИ УРУҒЛАРИНИ ТАКИФ ҚИЛАДИ. Маълумот учун тел.: 257-44-01, 257-44-03. Факс: 257-58-61. Моб. 313-83-13.

ООО «CHIRCHIK TEPLO SYSTEMS» ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ ЧИТ ҚОЗОНЛАРИ ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ Табиий газ, сувоқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди. Т/ф.: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08. E-mail: chts.uz@mail.ru

«Росагропромснаб» МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ-ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗМЕЪЁРЛАГИЧЛАР
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфтллари



Маҳсулот сертификатланган. Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90. Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» мавзеси, Ц-дахиси, 6-уй. Мўлжал — «Шўхрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

ЕВРО ОКНА И ДВЕРИ

По индивидуальному заказу и европейским каталогам из деревянного массива. Форма оплаты — любая. Замеры и доставка — БЕСПЛАТНО. Тел.: 775-45-75, 262-63-45. Факс: 262-39-66.

«Халқ сўзи»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



(Давоми. Боши 1-бетда).

Энди яхлит механизми яратилди, унинг қармоғи ҳам кенгайди. Чунки иштирокчилар орасида қизлар сони ошиб бораётганини жуда қувонарлидир. Яна бир муҳим жиҳати, спортни ривожлантириш ва оммавийлаштиришга берилаётган эътибор тўғрисида вилоятлар спортчиларининг эришаётган натижалари тобора яхшиланмоқда. Илгарлари Тошкент шаҳри вакиллари акарият спорт турлари бўйича

беллашувларда вилоятлар жараҳатидан сезиларли даражада устунлик қилишарди. Уч босқичли тизимнинг жорий этилиши сабабли вилоятлар спортчилари пойтахт жамоалари билан тенгма-тенг баҳс юритишга, айрим спорт турлари бўйича ҳатто улардан ўзиб кетишга ҳам эришмоқдалар. Фикримизни "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларида Наманган вилояти ёш футболчиларининг қўлга киритган ғалабаси аққол тасдиқлайди. Ёки, бир вақтлари асосан кураш мусобақаларида муваффақиятли қатнашган Қашқадарё ва Сур-

хондарё вилояти ёшларининг энди баскетбол, футбол, гимнастика баҳсларида анча яхши натижалар қайд этишгани ҳам мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди...

тида қизгин беллашувлардан фотоланганлар, тезкор маълумотлар ўзбек, рус, инглиз тилларида бериб берилди. Мусобақа давомида хорижий мамлакатларда яшовчи минглаб кишилар шу тармоққа му-рожаат қилдилар.

лари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ва "Дамас" авто-мобибли билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Сирдарё ҳамда учинчи погонадан жой олган Хо-разм вилояти жамоалари-



«Умид ниҳоллари — 2009»: ХАЙР, СИРДАРЁ, КЎРИШГУНЧА, НАВОЙ!

29-31 май кунлари бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган икки минг нафарга яқин ёшлар спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашдилар. Низомга мувофиқ, мусобақалар халқаро Олимпиада талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилди. Беллашувлар 200 нафардан ортиқ оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан мунтазам ёритиб борилди. Интернет тармоғида очилган www.umidnihollari.uz сай-

... 31 май. Соат 18.00. Гулистон шаҳридаги "Ёшлик" марказий стадиони байрамона безатилган. Чорлов мусиқаси янгради. Спорт ўйинларининг энг ҳаяжонли дақиқалари бошланади. Майдонга "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларининг олтин, кумуш ва бронза медаллари совдорларни чиқиб келди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси бош соврин — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйин-

га Президент совғаси — "Дамас" автомобиллари топширилди. Турли номинациялар бўйича ғолибларга ҳам қимматбаҳо совғалар берилди. Шундан сўнг уч кун давомида порлаб турган "Умид ниҳоллари — 2009" машъаласи аста-секин сўндирилди. Лекин спортга ошно ёшларнинг қалбига бу ҳаяжонли дамлар бир умрга сакланиб қолиши, шубҳасиз. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаси байроғини навбатдаги мезбон — Навоий вилояти ўқувчи-спортчилари қабул қилиб олишди. Тадбир юртимизнинг та-

БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!

Азиз дилбандим, одамзот шундайки, зурриёди ҳали туғилмасдан унинг эртанги кун, келажиги ҳақида қўйғурди. Юртбошимиз сенга ана шундай бахтли имкониятни "Умид ниҳоллари" сингари спорт мусобақалари тимсолида яратди. Бундай ишонччи оқлашга ҳамisha шай бўлиб тургин. Нафақат отанонг, балки бутун мамлакат аҳли сендан янги ҳаёт куриши, бунинг учун барча қўйинчиликларга тайёр туришингни, жисмингда мардлик, куч-қудратга тўла вужудни ҳосил қилишингни, сув келса симиришингни, тош келса кемиришингни сендан, ҳа, фақат сендан кутаётим.

Дарслиқлар ва китоблардан билсанки, Сирдарё бўйида таваллуд топган йилқини Широк бобомиз юртта бостириб келган ёғиларни бепойвон чўлу сахро ичига бошлаб кетади ва киндик қони тўқилган тупроқни муқаррар ҳалокатдан қутқаради. Мазнавий бақувват, жисмонан бардошли бўлмаган юрт фарзанди бундай жасоратга қодир бўладими? Бу гагги "Умид ниҳоллари"нинг айнан Сирдарёда ўтказилиши замирида чўлур маъно борлигини унутма. Широклар ана шу мусобақаларда тобланади, юртга садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида камол топади.

Сохибқирон Амир Темур бобомиз ҳам ўз ниҳоллари, боғларига беҳад улкан меҳр-муҳаббат билан қараган. Унутмагинки, ана шу улғу зотнинг бугунги ворисисан. Яна эсла, буюк саркарда баъзида ўз набираларини ҳам шикорларга олиб чиққан, кийик овлаш, камондан ўқ отиш, отда чоғиш, сувда сузиш, югуриш каби машқларда уларни чинқирган, юрт ҳимоясига тайёрлаган, мураккаб ҳаёт мушкулларини мардона енгитишга ўргатган.

Ифтихор

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига



Ўзбекистон тарихи давлат музейида ёш иқдорларнинг "Меъмор — 2009" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

НАВҚИРОН МЕЪМОРЛАР ШИЖОАТИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда кўплаб истеъдодли ёшлар янги ва ўзига хос йўналишдаги лойиҳалари билан иштирок этишди. Танлов Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ҳамда мамлакатимизда Архитектура қурилиши соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилганлигининг 80 йиллиги муносабати билан ташкил этилган бўлиб, унда юртимиздаги 9 та олий таълим муассасасида таҳсил олаётган 112 нафар ёш истеъдод соҳиби иштирок этди. Хайъат аъзоларига тақдим этилган 150 га яқин ижодий иш тўртта асосий ўрин ҳамда турли рағбатлантирувчи номинациялар бўйича тақдирланди.

Кўрик-танлов ёшлар орасида бебаҳо маънавий қадриятларга эътиром ҳиссини кучайтириш, аждодлардан мерос анъаналаримиз бардавонлигини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ёш иқдорлар танловига замонавий ва тарихий обидаларнинг макети, компьютер графикасида бажаришган лойиҳалар, фото-видео ролиқлар, рамзий меъморий иш лойиҳаси каби йўна-

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Термиз тумани аҳолиси, хусусан, ёшлар ўртасида Янгиарик қишлоқ хўжалиги коллежининг нуфузи йил сайин ошиб бораётир. Атиги бир неча йил бурун бу ердаги пасткам, мослаштирилган бинода қишлоқ ёшлари ярим асрга тенг кичик-кичик парталарда ўтиришиб, мактаб таълимини олишар эди.


КОЛЛЕЖ НУФУЗИ ОШМОҚДА

Коллеж директори Сулув Ҳамидова бу ҳақда шундай дейди: — Мактаб-коллежларимиздаги шарт-шароитлардан ҳайратланиш даврдан ўтдик, деб ўйлайман. Чунки бундай шарт-шароитлар энг олиқ қишлоқларимизда ҳам муҳайё этилган. Президентимизнинг таълим соҳасини ривожлантиришга қўрсатаётган ғамқўрликлар, чексиз эътибори тўғрисида айтилган бу шароитлар биз учун оддий ҳолга айланаётгани қувонарлидир. Бинобарин, биз, педагоглар ҳозир таълим мазмунини тақомиллаштириш, уни янги сифат босқичига кўтариш тўғрисида қайғурмоғимиз керак.

Иқтисод фанлари номзоди Сулув Ҳамидова раҳбарлик қилаётган мазкур таълим даргоҳида бу борада кўплаб ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Мингдан зиёд қиз-йигитлар таҳсил олаётган билим максадида етти йўналиш бўйича ўқув ташкил этилган бўлиб, қишлоқ хўжалиги машиналари техника хизмат кўрсатиши, ветеринария, махсуслопани қайта ишлаш, фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқалар сингари йўналишлар шулари жумласидандир. Коллежга нафақат Термиз тумани ёшлари, балки вилоятнинг бумша туманларидан кўплаб йигит-қизлар келиб, таълим олмақда.

Ҳар йили коллежимизнинг 200-250 нафар ўқувчи битирди, уларнинг аксарияти ҳеч қандай қийинчиликсиз ишга жойлашди, чунки кадрларимизга мезмон бозорига дабл етарли, — дейди фахр билан коллеж директори. — Дарвоқе, биз уларнинг ўқишни битиргандан кейинги тақдирларини доимий кузатиб борамиз, зарур ҳолларда улардан ўз маслаҳатимизни, амалий кўмагимизни аямийки. Мақсадимиз — битирувчиларимиз борган жамоасига қўниқиб, уйғунлашиб кетсин, ишига, касбига меҳр боғласин.

Таълим



Масалан, ўтган йили коллежини битир-матта кетган ўғил-қизлар ташкил этади. Коллежини битирётган айрим ўқувчиларимиз тадбиркорлик қилишни ихтиёр этадилар. Биз бу ёшларимизга "Микро-кредитбанк"дан кредит олиб бериб, бизнес юришиб кетишига амалий ёрдам қиламиз. Ўтган йили битирувчиларимиздан Сафар Шернаев, Жавлон Маҳкамов ва Соҳиба Бўталова ана шу йўсунда тадбиркорликни бошлаган эдилар. Ҳозирда ишлари анча юришиб кетди. Ўқувчи ёшларга мезмон бозоридидаги талаб ҳисобга олиниб, қўшимча касб-ҳунарлар ўргатиб берилади. Масалан, ўсимлик-шунос мутахассислиги бўйича ўқитилаёт-

ган ёшларга нафақат ўсимликларни парваришлаш ва ҳимоялаш агротехникаси, балки қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқариш, уларни таъмирлаш ўргатилади. Шу билан бирга, уларга компьютер савдорчилиги, тадбиркорлик ва менежмент асослари, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа йўналишларда зарур билим ва кўникмалар берилди. Натижада, битирувчиларимиз универсал билимларга эга кадр сифатида иш жойларига ниҳоятда қадри бўлаётилар.

Дарвоқе, бу ерда нафақат ўқув, балки тўлақонли ишлаб чиқариш жараёни ҳам йўлга қўйилган. Янгиарик коллежиде қишлоқ хўжалик махсуслопани қайта ишлаш цехи ишлаб келмоқда, унда Польшадан узоқ муددатли кредит эвазига келтирилган замонавий технология асбоб-ускуналар ўрнатилган. Ишлаб чиқарилган томат пастаси ва шарбат, мева шарбатларини сотиш эвазига коллеж жамоаси ҳар йили бир неча миллион сўмлик даромад олмақда, ушбу даромад ҳисобида коллежининг кутубхонаси янаям бойитилди, спорт жиҳозлари, тикув машиналари харид қилинди, рақс тўрагаги учун махсус кийим-кечаклар тиктирилди, тўлиқ жиҳозланган бадиий гимнастика хонаси ташкил этилди, коллеж боғига сув қувури тортиб келинди...

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш хусусида гапириб, шундай деган эдилар: "Белни маҳкам боғлаглар, шу масалани охиригача етказас, ўзингиз кўрасиз, биринчидан, одамлар биздан рози бўлади, иккинчидан, буюк мақсада эришамиз. Соғлом ва баркамол авлод ўстирамиз. Шу авлод бизнинг ўрнимизни босади, насиб этса, ишимизни муносиб давом эттирарди".

Каранг-а, бу сўзлар айтилган фурсат тарихга айланди. Бугун эса айнан шу сўзлар шунчаки гап эмас, баъорат экинчилигига амин бўлди. Биринчидан, Гулистон шаҳри энди ўз номига муносиб бўлди. Иккинчидан, Сирдарёда мустақиллик, "Умид ниҳоллари" иншоотлари қад ростлади. Ким учун ва нима учун? Азиз дилбандим, булар-Азиз дилбандим, айт-чи, бундай ғамқўрлик яна қаерда, қайси юрда бор? Жумлан жажон биздаги ёшларни чинқиртириш тизими қайил қилиб турибди. Энди вазифанг шу: ўзингиз буюк ишларга чоғла. Мустақил Ватан сендан фақат улғу ишларни кутапти.

Пиримкул ДЎСТУХАММАД, «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти совриндори.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ЖАВЗО ҲАВОСИ Бурж Баъзилари полапон очишга ҳам улғурди. Халқимиз орасида бу ой "Етти сарик ойи" деб аталади. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки жавзода етти неъмат — арпа, бугдой, тарик, ҳандалак, пилла, ўрик, гилос йиғиштириб олинади. Бу пишқиқлик мавсуми келганидан далолатдир. Жавзо ёнинг бошланчи ойи бўлса-да, ўзгарувчан об-ҳаво унга хосдир. Кўп йиллик кузатишларга қараганда, бу ой баъзан иссиқ келса, баъзида ёнғинарчилик мўл бўлади. Жавзонинг ёнғини чор-вачилиққа ҳам, деҳқончиликка ҳам зийн. Негаки, ёнғини жалага айлана, айни қирқимдан чиққан қўйлар, ҳатто қорамол ҳам талафот етказиши мумкин. Жавзода жавраб ўлган хўзимиз ибораси туғилишига ҳам унинг инқоқ об-ҳавоси сабаб, албатта.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 45734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Иқтисодий ва менежмент факультети декани Дилшод Саид-Джалолова волидан муҳтарамаси ШАРИФА янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ишхор этади. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон давлат санъат институтининг собиқ ректори, профессор Ҳамид Абдуллаевага ўғли Зафар АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — А. Болшев. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусавҳаҳ — Ҳ. Ташхўжаев. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 20.50 Топширилди — 00.15